



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Сув хўжалиги вазири**

*Ш.Хамраев*  
**Ш.Хамраев**  
 2021 йил “20” 12

**Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги  
 Насос станциялари ва энергетика бошқармасига қарашли Косонсой туманида  
 жойлашган “Қорасув” насос станцияларини давлат-хусусий шериклик асосида  
 бошқарувга бериш лойиҳаси  
 КОНЦЕПЦИЯСИ  
 I. Лойиҳанинг тавсифи**

<b>Лойиҳанинг номи:</b>	Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасига қарашли Косонсой туманида жойлашган “Қорасув” насос станциясини давлат-хусусий шериклик асосида бошқарувга бериш
<b>Тармоқ номи:</b>	Сув хўжалиги
<b>Лойиҳа тури:</b>	Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасига қарашли Косонсой туманида жойлашган “Қорасув” насос станциясини давлат-хусусий шериклик асосида эксплуатация қилиш, молиялаштириш, эгалик қилиш, модернизациялаш ва лойиҳа якунида давлат шеригига топшириш
<b>Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми:</b>	Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасига қарашли “Қорасув” насос станциясини эксплуатация қилади, молиялаштиради, эгалик қилади, модернизациялаштиради ва лойиҳа муддати якунида давлат шеригига объектни сифатли сақлаган ҳолда топширади.
<b>Давлат шеригининг номи:</b>	Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги
<b>Лойиҳа амалга ошириладиган жой (вилоят, туман, шаҳар):</b>	Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Косонсой тумани.

## II. Дастлабки танлов натижалари

ДХШ лойиҳасининг дастлабки танлови натижалари ҳақидаги батафсил маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.

Республикада жами 4,3 млн.гектар суғориладиган ер майдонларининг 60 фоизга яқин қисми 1687 та насос станциялар ва 4000 дан ортиқ суғориш қудуқлари орқали суғорилиб, ушбу насос станцияларнинг 74 фоизи 30 йилдан ортиқ эксплуатация қилиниши натижасида агрегатлар маънавий эскирганлиги сабабли, тегишли давлат дастурларига асосан 2020-2024-йилларда модернизация қилиш режаси белгиланган.

Ушбу маънавий эскирган насос станцияларни модернизация қилиш учун бюджетдан ажратилаётган эксплуатация харажатлари етишмаслиги сабабли, агрегатларни халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан янгилаш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ-4486-сонли қарорида насос станциялари иш режимини тартибга солишининг самарали усулларини жорий этиш ҳисобига сув хўжалиги объектларида электр энергияси истеъмолини камида 10 фоизга қисқартириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сонли фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришининг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси”нинг 6-бобида Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларининг йиллик электр энергияси истеъмоли 8,0 млрд.кВт.соатдан 2025 йилда 7,0 млрд.кВтсоат ва 2030 йилда 6,0 млрд.кВт.соатгача камайтирилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-5005-сон қарори ишлаб чиқилган ва стратегияга асосан 2021-2023 йиллар давомида 124 та лойиҳаларни амалга ошириш режаси белгиланган.

Сув хўжалиги ташиқлотларини сақлаш харажатлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, кейинги йилларда ажратилаётган маблағнинг 70 фоизи насос станцияларнинг электр энергияси харажатларини қоплашга йўналтирилаётганлиги сабабли, насос станцияларни давлат-хусусий шериклик асосида берилиши мўҳим ҳисобланади.

## III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

Кўшимча маълумотлар	
1.	Лойиҳанинг ЛБХ/ТИА/ТИХК мавжудлиги: Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>
2.	Лойиҳа қуйидагилардан бирига киритилган бўлса: Инвестиция дастури <input type="checkbox"/> Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ёки қарори <input type="checkbox"/> Вазирлар Маҳкамаси қарори <input type="checkbox"/> Бошқа <input checked="" type="checkbox"/>
3.	Хусусий шерик лойиҳани амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун зарурати борми

	Ха <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/> Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларида хусусий шерик томонидан кўрсатилган хизматларни молиялаштириш тартибини жорий этиш лозим бўлади.					
4.	Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида тақдим этадиган якуний хизматларини тасвирлаб беринг: Норин Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги Насос станциялари ва энергетика бошқармасига қарашли қарашли Косонсой туманида жойлашган "Қорасув" насос станцияси ҳудуддаги 548,7 гектар қишлоқ хўжалиги экин майдонларини сув билан таъминлашга мўлжалланган. Ҳозирги кунда ушбу насос станцияларни ишлатишга бошқарманинг 2021 йил харажатлар сметасига биноан 819.05 млн.сўм бюджет маблағлари сарфланган. Насос станцияни эксплуатация қилишни давлат-хусусий шериклик орқали хусусий шерикка 10 йил муддатга берилади. лойиҳада хусусий шерик дастлабки йилларда 828,1 млн.сўм инвестиция киритади ва давлат шериги томонидан жорий сақлаш харжатларини қоплаш учун 8 825,3 млн.сўм ажратиб борилади. Жами лойиҳа харажатлари 9 653,5 млн.сўмни ташкил қилади.					
5.	а) Капитал қўйилмалар ва бошқа харажатлар суммаси 828,1 млн.сўм		б) Эксплуатация харажатлари миқдори: 8 825,3 млн.сўм		в) Умумий харажатлар 9 653,5 млн.сўм	
	г) ДХШнинг амал қилиш муддати: 10 йил аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг: 3-10 <input checked="" type="checkbox"/> 11-20 <input type="checkbox"/> 21-30 <input type="checkbox"/> >30 <input type="checkbox"/>			д) Лойиҳани амалга ошириш муддати: 2 йил (модернизациялаш), аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг: 2-10 <input checked="" type="checkbox"/> 11-20 <input type="checkbox"/> 21-30 <input type="checkbox"/> >30 <input type="checkbox"/>		
6.	а) Лойиҳанинг даромад манбасини кўрсатинг: Фойдаланганлик учун тўлов <input type="checkbox"/> Эркин фойдаланилиши учун тўлов <input checked="" type="checkbox"/> Изоҳ: хусусий шерик хизматлари учун тўлов Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.					
	б) Эркин фойдаланилиши учун тўлов/ Фойдаланганлик учун тўлов: Даромадлар тақсимотини кўрсатинг: мавжуд эмас Давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўлов <input type="checkbox"/> Қўшимча фойда тақсимооти <input type="checkbox"/>					
7.	ДХШ лойиҳасининг ташаббускорини белгиланг: Давлат ташаббускори <input type="checkbox"/> Хусусий ташаббускор <input checked="" type="checkbox"/>					
8.	Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда, таклиф қилинган ўзгаришларни белгиланг.					
	<b>Хавф ёки хатарлар турлари</b>	<b>Давлат шериги</b>	<b>Умумий</b>	<b>Хусусий шерик</b>	<b>Хатар тақсимооти асоси</b>	<b>Изоҳ</b>
	Лойиҳага тегишли хавф хатарлар			•		Хусусий шерик лойиҳавий таваккал-чиликни қисман ўз

					зиммасига олади.
Дизайн ва технологияларнинг эскириш хавфи			•		Технологиялар ва дизайннинг ёмонлашиши ёки ускунанинг ҳар қандай яширин носозлиги туфайли хатари хусусий шерик жавобгарлигида.
Яширин нуқсон хавфи			•		
Ер сотиб олиш ва кўчириш билан боғлиқ бўлган хатарлар	•				Давлат шериги ер участкасини лойиҳага ҳар қандай оғирликлар ва тўловларсиз ажратиб беришни кечиктирилмаслиги керак.
Молиявий хатарлар			•		Лойиҳани амалга ошириш учун қарз ва акционерликни молиялаш-тириш кафолати Хусусий шерик зиммасига тушади.
Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлмаган)			•		Қурилиш ва эксплуатация билан боғлиқ хатарлар бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади.
Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлган)		•			Табиий кучлар сабабли енгиб бўлмас кучлар хавфи туғилганда стандарт қоидалар бўйича хатар давлат ва хусусий шерик ўртасида тақсимланади. Агар бундай кутилмаган ҳодисалар узоқ давом этса, томонлар ўзаро битимни тугатиш

					хукукига эга.
Лойиҳа шартномаси тузилгандан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (давлат шериги тарафидан)					Давлат шериги лойиҳа шартномаси тузилгандан сўнг лойиҳадаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар келишув асосида амалга оширилади
Ишга тушириш билан боғлиқ хатарлар		•			Хусусий шерик иррига-ция ва мелиорация объектларини ўз вақтида ишга тушириши учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.
Лойиҳанинг суғуртасига оид хатарлар			•		Хусусий шерик молиявий жиҳатдан ишончли суғурта полисларини олишга ҳақли.
Солиқ билан боғлиқ хатарлар		•			Хусусий ва давлат шериги тегишли солиқларни тўлаш бўйича жавобгар ҳисобланади.
Тарифларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлган хатарлар		•			Хусусий ва давлат шериги жавобгар ҳисобланади
Лойиҳа шартномаси тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (хусусий шерик тарафидан)			•		Хусусий шерик жавобгар ҳисобланади
Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг лойиҳага салбий таъсири хатарлари	•				Амалдаги қонунчиликда бўладиган ўзгаришлар оқибатида лойиҳадаги салбий

					хатарни давлат шериги қоплайди.
Лицензия, рухсатномалар кечикиши ёки берилмаслиги хатарлари	•				Лицензия, рухсатномалар кечикиши ёки берилмаслигига давлат шериги жавобгар бўлади.
Хусусий шерикка келишилган тўловларнинг кечиктирилиши	•				Хусусий шерикка тўловларни ўз вақтида тўланишига давлат шериги жавобгардир.
Сиёсий беқарорлик хатарлари	•				Сиёсий хавфни бартараф қилиш давлат шериги мажбурияти ҳисобланади.
Таъмир ва реконструкцияга оид хатарлар			•		Барча таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари хусусий шерик томонидан амалга оширилади ва давлат шеригидан мутахассис ёллаш ҳуқуқи мавжуд.
Мулк конфискацияси	•				Лойихада келтирилган мулкни мусодара қилиш хавфи кутилганда давлат шериги ушбу хавфни бартараф этиш чораларини кўради.
Операцион хатарлар			•		Агар битимга мувофиқ хусусий шерик томонидан ишлаб чиқариш мезонлари бузилса, давлат шериги хусусий шерикни жазолаши ёки

					холождан келиб чиқиб битимни бекор қилиши мумкин.
Экологик/ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлиқ)			•		Хусусий шерик ҳар қандай тегишли хавфларни бартараф этиш ва бошқариш учун жавобгардир.
Оператив фаолият билан боғлиқ бўлган хатарлар			•		хусусий шерик жавобгарлигида.
Талаб билан боғлиқ хатарлар		•			Давлат истеъмолчиларга ўз вактида сувни теказиб бермаса, хусусий шерикка чоралар кўришга мажбур бўлади.
<b>9. Ҳар бир босқич учун тахминий/ режалаштирилган муддатни кўрсатинг:</b>					
		Сана			Сана
<b>а)</b> ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш		4-чорак 2021 й.	<b>д)</b> Музокаралар ва ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш		3-чорак 2022 й.
<b>б)</b> Лойиҳа олди ҳужжатларни ишлаб чиқиш (масалан: ЛБХ, ТИА, ТИХК, Тендер)		4-чорак 2021 й.	<b>е)</b> Махсус лойиҳа компаниясини (SPV) ташкил этиш.		талаб этилмайди
<b>в)</b> Ғолибни саралаш (бир босқичли тендер ўтказиш)		2-3-чорак 2022 й	<b>г)</b> Молиявий яқунлаш		3-чорак 2022 й.
<b>10.</b>	Жорий ҳолатда аҳолидан ва/ёки давлат бюджетидан мазкур хизматга ажратиладиган ялпи маблағ: <i>2021 йилда давлат бюджетидан 819,05 млн.сўм маблағ ажратилган.</i>				
<b>11.</b>	Ушбу лойиҳа давлат тарафидан амалга оширилганида бюджетдан ажратилиши кутилган тахминий маблағ (бунга капитал харажатлари ва бошқарув харажатлари киради) <i>Агар ушбу лойиҳа давлат тарафидан амалга оширилганида бюджетдан ажратилиши кутилган тахминий маблағ 10481,6 млн.сўмни ташкил қилган бўлар эди.</i>				
<b>12.</b>	Агар ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида етказиб бериладиган товарлар (кўрсатиладиган ишлар/хизматлар) нархи давлат бюджетида белгиланган харажатлар сметасидан ошиб кетса, лойиҳани ДХШ механизми асосида амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаб беринг: - <i>нарх давлат бюджетида белгиланган харажатлар сметасидан ошиб кетмаган ҳолда белгиланади, давлат юқини камайишига, сарфланган маблағлар тежалишига эришилади.</i>				
<b>13.</b>	Ташаббус кўрсатилган лойиҳа иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни/муаммоларни ҳал этишга қаратилганми? Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/>				

	<p><i>Изоҳ: Сув хўжалиги ташилотларини сақлаш харажатлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, ирригация ва мелиорация объектлари давлат-хусусий шериклик асосида хусусий шерикка берилиши натижасида:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• истеъмолчилар томонидан сувдан самарали фойдаланилади;</li> <li>• қишлоқ хўжалиги экин майдонлари кафолатли сув билан таъминланади;</li> <li>• замонавий техника ва технологиялар жорий қилинади;</li> <li>• сув ресурслари иқтисод қилинади;</li> <li>• ягона сув сиёсати оптимал тарзда юритилади;</li> <li>• электр энергия истеъмоли камаяди;</li> <li>• бюджет харажатларини қисқартирилишига эришилади.</li> <li>• қўшимча иш турлари очилади ва иш ҳақлари оширилади.</li> </ul>
14.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми?:          Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p><i>Изоҳ: Лойиҳа давлат-хусусий шериклик шартлари асосида амалга оширилади, ягона сув сиёсати оптимал тарзда юритилади, бошқариш автоматлаштирилади, энергия тежовчи қурилмалар жорий этилади ва бошқарув сифатли ташиқил этилади.</i></p>
15.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа инновацион ёндашувни ўз ичига олганми ва тарафлар учун мақбул бўлган мутаносиб нафни таъминлаб бера оладими? Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p><i>Изоҳ: насос станция модернизация қилинади, қурилмалар янгиланади, частота ўзгартирувчи қурилма ва конденсаторлар ўрнатилиб, бошварув автоматлаштирилиши ҳисобига электр энергия истеъмоли камаяди.</i></p>
16.	<p>Ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида автоматлаштирилган электрон ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни жорий этиш назарда тутилганми? Ҳа <input checked="" type="checkbox"/> Йўқ <input type="checkbox"/></p> <p><i>Изоҳ: Электр энергияси истеъмолини онлайн кузатиб бориш технологияси жорий этилиб, сув сарфини ўлчагининг замонавий қурилмалари ўрнатилади.</i></p>
17.	<p>Лойиҳани амалга ошириш учун ер участкасига зарурат борми? Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p> <p><i>Изоҳ: Насос станция ҳудудидаги ер майдонлари давлат шериги томонидан берилган.</i></p>
18.	<p><b>а)</b> Лойиҳани амалга ошириш оқибатида ижтимоий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли мавжудми? Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p> <p><i>Изоҳ: лойиҳа ҳудудида аҳоли уйлари, ижтимоий объектлардан йироқда жойлашган, шунингдек объектлар учун ҳимоя-муҳофаза майдонлари ажратилган.</i></p> <p><b>б)</b> Лойиҳани амалга ошириш оқибатида экологик муаммолар вужудга келиш эҳтимоли мавжудми? Ҳа <input type="checkbox"/> Йўқ <input checked="" type="checkbox"/></p> <p><i>Изоҳ: лойиҳани амалга оширишда техника ва технология хавфсизлиги қонун-қоидаларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда амалга оширилади ва экологик муаммолар вужудга келиш эҳтимоли олди олинади.</i></p>
19.	<p>Давлат шериги томонидан (ДХШ лойиҳаси доирасидан ташқарида) амалга оширилиши зарур бўлган қўшимча иш ҳажмларини кўрсатинг:</p> <p>Сув таъминоти объектларини куриш <input type="checkbox"/></p> <p>Газ таъминоти объектларини куриш <input type="checkbox"/></p> <p>Электр таъминоти қурилмаларига уланиш <input type="checkbox"/></p> <p>Кириш йўллари <input type="checkbox"/></p> <p>Транспорт боғланиши <input type="checkbox"/></p>
	Манфаатдор томонларни санаб ўтинг:

<b>20.</b>	<i>Сув хўжалиги вазирлиги (давлат шериги)</i> <i>"Тешиктош соф суви" МЧЖ (хусусий шерик)</i>	
	<b>Маъсул шахс</b>	Сув хўжалиги вазирлиги
	<b>Ф.И.О.:</b>	Джураев Илхом
	<b>Лавозими:</b>	Давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг хизматини жорий этиш бошқармаси бошлиғи
	<b>Тел.:</b>	+998 (71) 202-47-67
	<b>Электрон манзили:</b>	<a href="mailto:i.djuraev@minwater.uz">i.djuraev@minwater.uz</a>

**“Киритилди”**  
**"Тешиктош соф суви" МЧЖ**  
**рахбари**



**И.Хошимхўжаев**

“ ” 2021 йил